Ушбу сонда:
2 — *Бир Фармон шарофати* ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР
3 — БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
4 — *Дўст ачитиб гапиради* ТОР ЖОЙДА ТОМОША

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2006 йил 24 январ, сешанба № 12 (2061)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***2006 йилнинг юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида:***

1. Қуйидаги масалалар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг холисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун- моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутадиган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда «Тиббиёт ходимлари куни» касб байрамини таъсис этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакилларини ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, оммавий ахборот воситалари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2006 йил 23 январ



Мамлакатимизнинг барча жойида бўлгани каби Зангиота тумани электр тармоқлари ходимлари ҳам қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрди. Натижада бу ерда электр тармоқларидаги узилишларга чек қўйилди.

Тайёргарлик жараёнида тумандаги электр тармоқларига қарашли мавжуд ўнта ёрдамчи электр узатиш тармоғи ҳамда 243 та трансфарматор тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилиб, шундан ўн биттаси капитал таъмирланди.

***Суратда: электр устаси Шоҳид Қорабоев.***

**С.ЗУФАРОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

*Биз ҳам бир ёндан*

***Фуқаролар соғлом бўлгандагина жамият равнақи учун хизмат қилишлари мумкин. Шунинг учун мамлакатимиз мустақиллигининг илк давриданоқ Президентимиз элимиз саломатлигини муҳофаза қилишга катта аҳамият бериб келмоқда. Республикамизда Тиббиёт академияси ташкил этилганлигидан тортиб қишлоқ врачлик пунктлари тармоғи ривожлантирилаётгани бунинг яққол далилидир.***

## АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Ана шундай мақсадларга бўйсундирилган давлат дастурларини амалга ошириш доирасида Самарқанд тумани тиббиёт соҳасида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бир қанча ҚВП бинолари қурилди, қишлоқ участка шифохоналари ташкил этилди. Шу жумладан, Барака, Оҳалик ҚВПлари янги бинога эга бўлди. Кулбаипоён, Янгиариқ-1 ҚВПларининг бинолари тўлиқ қайта таъмирланди. Қоракўлчилик илмий-тадқиқот институти биноси туман марказий шифохонаси ихтиёрига берилгани айни муддао бўлди. Икки йил ичида туман ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдамида тиббиёт муассасаларининг мавжуд бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Жиҳозлаш муаммоларининг ҳал этилишида ҳам уларнинг ҳиссаси катта. Қалова, Ўзбекистон ҚВПларининг тиббий-техник базасига ҳавас қилса арзийди.

*(Давоми 2-бетда)*

## «TIP-TOP» ШАРБАТЛАРИ

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда бўлгани каби иқтисодиёт соҳасида ҳам изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Буни Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар сонининг тобора кўпайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.***

Мамлакатимизнинг иқлими - мўътадил, деҳқончилигу боғдорчилик учун қулай. Заминимизда исталган ноз-неъматни етиштириш мумкин. Истиқлол йилларида соҳибкорларимиз томонидан етиштирилган бундай маҳсулотларни қайта ишлашга эътибор кучайди. Фаолияти мазкур соҳа ривожига йўналтирилган янги, замонавий корхоналар, жумладан, қўшма корхоналар кўпаймоқда.

Табиий шарбат ва ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Marvel juice Co» очиқ акционерлик жамияти ана шундай корхоналардан бири. Ўзбекистон ва Швейцария ишбилармонлари ҳамкорлигида 1997 йилда ташкил этилган мазкур қўшма корхона бугун ўзининг «Tip-Top» маркали табиий шарбат ва ичимликлари билан харидорлар эътиборига тушган. Бунинг боиси - корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати бозор талабларига мослигида. Бунда Голландия, Италия, Швейцария ҳамда Германия каби ривожланган мамлакатлардаги турдош корхоналар билан кенг ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. Лекин корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлигини таъминлаётган бош омил - она диёримизда етиштирилаётган мева-сабзавотларнинг сархиллигию, ширинлигида. Бугун «Marvel juice CO»да олма, ўрик, шафтоли, олхўри, нок, олча, лимон, апельсин, помидор каби мева ва сабзавотдан 11 турдаги шарбат ҳамда 6 хил ичимлик ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона хомашёни асосан Фарғона водийсидаги хўжаликлардан олади.

- Харидоргир маҳсулот тайёрлаш учун, аввало, сифатли хомашё бўлиши керак - дейди корхона бош директори Йост Хейи. - Серқуёш Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавот эса ўзининг ширинлиги ва сифатининг юқорилиги билан ҳар қандай харидорни лол қолдиради. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 9 январ куни қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада янада катта имкониятлар эшигини очади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!
### ОАВ вакиллари учун «Олтин қалам» халқаро танлови

«Олтин қалам» халқаро танлови Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, у миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази танлов ташаббускорлари бўлиб, у ҳар йили ўтказилади. Танлов натижалари 3 май - Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ - телевидение, радио, матбуот (охиргиси интернет-журналистикани ҳам ўз ичига олади) ходимлари ўртасида ўтказилади. Битта номинация эса чет эллик журналистлар учун мўлжалланган. Танловда қатнашиш учун буюртмалар ОАВ жамоаларидан, ижодий уюшмалардан, журналистика йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлардан (даъвогар биттадан ортиқ бўлмаслиги керак), шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.

«Олтин қалам» танловини ҳар йили ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва танлов ғолиби учун мукофотлар давлат бюджети ҳамда республикадаги, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

**1. «Олтин қалам» нишонининг тузилиши.**

«Олтин қалам» нишони «Рондо» пероси шаклида бўлиб, перонинг уч қисми юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилган. Нишон кўкракнинг чап томонига тақилади.

Нишон кумушдан ясалади ва тилла суви билан қопланади.

**2. Танлов шартлари:**

2.1. Конкурсга аввалги йилнинг 31 мартидан жорий йилнинг 31 мартигача бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радиода эфирга узатилган ва телевидениеда намойиш этилган материаллар 10 апрелгача қабул қилинади.

2.2. Конкурс икки кўринишда ўтказилади:

Асосий номинация - энг яхши журналистик материал учун. Мукофотлар ОАВларининг уч тури бўйича таъсис этилади: - телевидение; - радио; - матбуот (интернет-журналистика ҳам киради). - Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар: - журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун; - йилнинг энг яхши дебюти учун; - энг яхши карикатура учун; - энг яхши фоторепортаж учун; - чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун. - 2.3. Танловга босма, радио ва телематериаллар (камида 5 та иш) тақдим этилади. Босма нашр учун: материал чоп этилган даврий нашрнинг асли (ёки нусхаси).

Телекўрсатув (видеоматериал)лар учун: - видеоматериалларнинг давомийлиги 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; - материал, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлмасин, рангли тасвирда бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Радиоэшиттириш (аудиоматериал)лар учун: - материалларнинг давомийлиги 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак; - материал ёзилган аудиокассета ёки системали диск.

2.4. Ишга муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади: - фамилияси, исми ва отасининг исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; - манзили, телефони; - паспортга оид маълумотлари.

**3. Танловни ўтказиш тартиби.**

Танлов иштирокчиларининг ишларини етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари орасидан танланган халқаро ва республика экспертларидан иборат танлов ишларини кўриш ва баҳолаш бўйича жюри кўриб чиқади.

Ишлар қуйидаги мезон бўйича баҳоланади: мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, жанрнинг хилма-хиллилиги ва бошқалар. Ҳар бир иш беш балли система бўйича баҳоланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги «Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун» номинацияси бўйича ғолиблар жюри аъзоларининг оддий овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ташкилий қўмитанинг доимий ишлаши кўзда тутилган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради: - танловни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш; - танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ва материалларини қабул қилиш; - танлов иштирокчиларига хабар бериш. Жюри таркиби ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

**4. Ғолибларни мукофотлаш.**

4.1. Танловнинг асосий номинацияси бўйича ғолиблар «Олтин қалам» нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.2. Танловнинг бошқа номинациялари бўйича ғолиблар дипломлар, статуэткалар ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.3. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.4. Мукофотлар ҳар йили 3 майда тантанали равишда топширилади.

4.5. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танлови деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади:

*Ўзбекистон, Тошкент шаҳри - 700129, Навоий кўчаси 30- уй. 3-қават, 30; 35; 37-хоналар Телефонлар: 144-37-87; 144-64-61; 144-64-62 Факс: 144-69-65*

**Ташкилий қўмита**

***Бу маскан аҳли тонгни ана шу сўзлар билан қаршилайди. Иссиқ ўрнидан сакраб туриб кийинади, бир зумда сафга тизилади. Сўнг стадион сари йўл олади. Югуриш, жисмоний машқлар... Қаҳратон қишда ҳам, жазирама ёзда ҳам тартиб шундай - ҳарбийча. Улар билаги кучга тўлган забардаст йигитлар - аскарлар ёки сержантлар эмас, мактаб ёшидаги, 12-15 ёшли ўспиринлар!***

## ОТАСИ ЙЎЛИНИ ТАНЛАГАН ЎҒЛОНЛАР
### «Взвод, уйғон!»

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Жар» спорт- соғломлаштириш комплекси қошидаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб- интернат курсантларининг ҳар тонги ана шундай бошланади. Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама етук, баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2002 йилда ташкил этилган ушбу махсус мактаб-интернат фаолияти ҳам ана шундай хайрли мақсадга йўналтирилган.

Бугун бу ерда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 5-синфдан танлов асосида саралаб олинган болалар таҳсил оляпти.

- Курсантларимизга умумтаълим фанларидан ташқари махсус юриспруденция, бошланғич ҳарбий тайёргарлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, жаҳон адабиёти, этика, эстетика, дин тарихи каби ўнлаб фанлардан сабоқ берилмоқда, - дейди махсус мактаб-интернат директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Раҳматилла Миралимов. - Уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, жисмонан чиниқишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кураш, ҳарбий қўл жанги, сузиш, дзюдо каби спорт турлари бўйича машғулотлар мунтазам ўтказилади.

Бунинг учун махсус мактаб-интернатда барча шароит мавжуд - шинам спорт зали, тренажёр хонаси болалар хизматида. Курсантлар «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи базасидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга. Улар беш маҳал овқат, ётоқхона, кийим-кечак, ўқув қуроллари ва бошқа зарур анжомлар билан бепул таъминланади.

Махсус мактаб-интернатдаги ҳаёт армиядагидан деярли фарқ қилмайди. Тартиб-интизом, талаб, муомала-мурожаат тамомила ҳарбийча. Бунда педагогларимиз ҳам, ҳарбий санъат сирларидан дарс бераётган офицер ва сержантлар ҳам курсантларга ўз фарзандлари каби муносабатда бўлишга, ардоқлашга, меҳрини беришга интилади. Чунки тарбияланувчиларнинг аксариятининг кўнгли ўксик - оталари ўз хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган. Андижонлик Отабек Исмоилов - улардан бири. У энди ўн икки ёшга тўлганига қарамай, гаплари, ўзини тутиши, муомаласи жиддий.

- Мен ҳам отамдай ҳарбий бўламан, - дейди у. - Уйимиздаги отам машқ қилган тош, турник, отам кийган ҳарбий либос энди - меники. Отамнинг йўлидан бориб, халқимизга, Ватанимизга садоқат билан хизмат қиламан.



- Мен, раҳматли, дадамдай учувчи бўламан, - дейди 6-синф ўқувчиси Шуҳрат Усмонов. - Дадам жуда меҳрибон одам эдилар. Менга ҳар хил ўйинчоқлар - танк, самолётлар олиб келардилар. Эрталаб стадионга машқ қилишга чиққанларида мени ҳам олиб чиқарди. Бирга югурардик, машқ қилардик.

-Ҳамма ҳам ҳарбий бўлолмайди. - дейди 15 ёшли курсант Сарвар Саидов. - Бунинг учун, энг аввало, кучли хоҳиш-истак бўлиши керак. Мен бу ерга ўқишга кирганимдан бери камида ўн ёшга улғайгандай бўлдим. Чет тилини, компьютерни яхши ўргандим. Муҳими, ҳарбий тартиб- интизомга бўйсуниш, жисмонан чиниқиш, қатъият, ҳар бир масалага масъулият билан ёндошиш кўникмалари пайдо бўлди. Дам олиш кунлари, байрамларда уйга борганимда, маҳалладош ўртоқларим менга ҳавас билан қараётганини кўриб, ҳарбий форма кийиш масъулиятини яна бир бор ҳис этаман.

Суҳбат мавзусини ўзгартирамиз.

- Орангизда ким турникка энг кўп тортина олади? - деб сўрайман.

- Юсуфбек Собиров! - деб жавоб беради суҳбатдошларим.
- У 30 мартагача тортинади.

Тенгдошлари 9-синф ўқувчиси Ю.Собировнинг нафақат турникка тортиниши, балки ўқишдаги тиришқоқлигига ҳам ҳавас билан қарайдилар.

- Қоидада нечта тортиниш белгиланган?
- Ўн иккита!
- Бундан кам тортинадиганлар ҳам борми?
- Йўқ!

Суҳбатдошларимдаги шижоат, куч-ғайрат ва беғуборликни кўриб, уларга ҳавасим келди. Улар тенги ўсмирлар орасида ҳали ўйинқароқ болалиги билан тўла хайрлашмаган, эртанги кун - келажак ташвишидан йироқ, касб танлаш, билим олиш, ёруғ орзулар йўлида заҳмат чекиш масъулиятини тўла англаб етмаганлари қанча.

Бугун «аъло» ўқиш, спорт билан астойдил шуғулланишни сидқидилдан уддалаётган бу ўспиринлар эртага бошқа хайрли юмушларни ҳам шундай улкан масъулият ва тиришқоқлик билан бажаришига, Ватанининг, халқининг корига ярайдиган, оталарининг касбини шараф билан улуғлайдиган ўғлонлар бўлиб етишишига шубҳа йўқ.



Юртбошимиз орзу қилаётганидек, профессионал миллий армиямизни шакллантиришда сон жиҳатдан ихчам, замонавий қуролланган, ҳарбий техникани мукаммал эгаллаган кадрлар, аввало, ана шундай шижоатли ёшлар орасидан етишиб чиқади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус мактаб-интернатида курсантларнинг юқори малакали, халқига, Ватанига садоқатли, жисмоний бақувват ва маънавий етук кадрлар бўлиб етишиши учун барча шароит яратилган.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ҚАРОРЛАР»

***Ушбу сарлавҳа остида газетамизнинг 2005 йил 26 ноябрида чоп этилган танқидий мақолада «кимошди» савдосида ғолиб чиққан фуқароларнинг сарсон-саргардон бўлганлиги тилга олинган эди.***

***Таҳририятимизга келган жавоб хатида танқидий мақола Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳамда тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилганлиги маълум қилинади. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

«Ҳақиқатан ҳам «Ким ошди» савдоси орқали фуқаролар С.Пахриддинов ва Б.Пахриддиновларга «Оромгоҳ» даҳасидан сотилган 1, 2, 3, 4-сонли ер участкалари шаҳар уй-жой секторининг собиқ ходимлари айби билан «ARK-N» хусусий фирмасига қарашли АЁКШ муҳофаза майдонига тушган. Ҳозирда юқоридаги фуқароларга берилган ер майдони ўрнига шу ҳудуд атрофидан С.Пахриддинов ва Б.Пахриддиновларнинг розилиги асосида Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган «Қурилиш меъёрлари ва қоидалари»га мос равишда бошқа янги ер участкалари жойида кўрсатилди.

Ушбу ер участкаларини тегишли тартибда расмийлаштириб бериш масаласи мутасадди ташкилотлар билан ҳал этилмоқда».

**И.НАЖМИДДИНОВ,**
**Наманган вилояти ҳокими**

## Бир Фармон шарофати

***Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, аҳолининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини тараққий эттириш, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини мустаҳкамлашга устувор аҳамият берилмоқда.***

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАР

## имтиёзли кредитлардан фойдаланишмоқда

Сандиқсозлик, бешикчилик, дўппидўзлик, миллий нақшли кийим-кечаклар, сўзаналар тикиш қашқадарёликларнинг авлод-аждодларидан ўтиб келаётган қадимий ҳунар турларидир. Шарқнинг муаззам масканларидан ҳисобланган Шаҳрисабзда халқ усталари мунтазам шуғулланиб келаётган касб-корлар эллик хилдан ошади.

Қирқ беш ёшли қўли гул уста Муҳаммади Носировни шаҳрисабзликлар яхши билишади. Қарийб чорак асрдан бери сандиқсозлик билан машғул бўлган касб эгаси юртдошлари орасида катта обрў-эътибор орттирган. Оилавий тадбиркорлик ортидан турмуш ўртоғи билан беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Халқимиз учун энг керакли ҳисобланган сандиқсозликни акаси уста Раҳматдан ўрганган Муҳаммади ўз маҳоратини ошириб бораяпти. Ёғоч буюмга безак беришда янгиликлар яратиб, сандиқ дизайнини бойитиб бораяпти.

— Мустақиллик йилларида тадбиркорларга катта имкониятлар яратилди, - дейди уста биз билан суҳбатда. — Даромад солиғидан озод қилинганмиз. Оилавий тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Текшир-текширлар камайди.

Муҳаммади ака кўҳна касб сир-асрорларини шогирдлари Нўъмон, Ҳафиз, Обод ва Жаҳонгирларга ҳам кунт билан ўргатмоқда. Улар мустақил равишда келин-куёв уйларига зеб берадиган сандиқлар ясашни ўрганиб олишган.

Шунингдек, Шаҳрисабзнинг Исобек кўчасида яшовчи Саидовлар оиласи аъзолари томонидан ясалган сандиқлар бозорларда ҳамиша харидоргир. М.Саидов ота-боболари касбини эъзозлаб кам бўлгани йўқ. Оиласи даромади кўпайиб, турмуши яхшиланиб бормоқда.

Сандиқ келин сепига қўшилади. Уни тайёрлаш бир неча катта-кичик жараёнларни ўз ичига олади. Бўяшда табиий ранглардан фойдаланилади. «Лола гул», «Товус гул», «Туркман фасон» услубида ясалган сандиқлар ҳозирги замонавий гарнитурлардан қолишмайди.

Китоблик тадбиркор аёл Кўпайсин Хуррамованинг тикувчилик цехида 20 нафар хотин-қиз ишлайди. Чеварлар аҳолидан тушаётган буюртмаларга асосан эркаклар ва аёллар қўйлаклари, зардўзи чопонлар тикишмоқда. Буюртмаларнинг бир қисми уйда ишлаётган касаначилар томонидан бажарилаяпти.

Қаршилик бешикчи уста Бозор Очилов, мусиқа асбоблари ясовчи Иноят Қодиров, сандиқсоз Олим Жумаевларнинг маҳсулотлари аъло сифатли бўлганлиги учун ҳам бозорларда туриб қолмайди.

— Юртбошимиз Фармони ҳунармандлар учун қўшимча имтиёзлар яратди, - дея суҳбатни давом эттиради вилоят «Ҳунарманд» уюшмаси раҳбари Баҳодир Ниёзов. — Унда меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш кафолатланган.

Биргина Қарши шаҳрида ҳунармандчиликнинг 25 тури билан шуғулланаётган мингга яқин усталар бор. Улар ота-боболаридан мерос қолган қадимий касб сирларини ёшларга ўргатишаяпти. Аҳоли зич жойлашган Шаҳрисабз ва Китоб туманларида 500 дан ортиқ касаначи уй шароитида ишлайди. Оилавий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли ишсизлар сони камаймоқда.

— Президент Фармонига мувофиқ корхоналарнинг талаблари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё ва материалларнинг етказиб берилиши ва тайёрланган маҳсулотларнинг сотиш кафолатланиши куч-ғайратимизни ошириб юборди, - дея таъкидлади шаҳрисабзлик оилавий тадбиркор Инобат Набиева. - Ташкилотлар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига киради.

Инобат опа раҳбарлигидаги якка тадбиркорлар миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб, ойига 400-450 минг сўмлик харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришаяпти. Тадбиркор аёлнинг шогирди Анора Бобоқулова 20 дан ортиқ қизга сабоқ бермоқда. Ундан касб ўрганган Адиба Қурбонова ва Моҳира Раҳимовалар қўлидан чиққан каштали буюмлар буюртмачилар эътиборини қозонган

Ўтган икки йил давомида кам таъминланган оилаларда барқарор даромад манбаини шакллантириш учун 1 миллиард 598,6 миллион сўм маблағ ажратилди. 3546 та оила микрокредитлар билан таъминланиб, 7218 киши ишга жалб этилди. Микрокредитлар олгунга қадар ҳар бир оиланинг ўртача йиллик даромади 238,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, бундай имтиёздан фойдалангандан сўнг 522, 5 минг сўмга етди.

Қашқадарёда ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, бешик, сандиқ, мусиқа асбоблари ясаш, заргарлик, сават тўқиш, каштачилик, зардўзлик, миллий чопон тикиш, гиламчилик, ўйинчоқлар ясаш билан шуғулланаётган юзлаб моҳир усталар бор. Шу боис мутасадди ташкилотлар бадиий буюмларнинг доимий ярмаркасини ташкил этиш ва ўтказиш, ҳунармандлар учун устахона ва савдо расталари барпо этишга эътиборни оширсалар, муаммоларнинг бир қисми ҳал этиларди.

Бош режага мувофиқ шаҳарда тарихий обидаларга уйғунлашган устахоналар ва кўргазма савдо заллари қуриш мўлжалланган. Бундай хайрли ишлар гиламчилик маҳсулотлари уйда тўқилаётган Миришкор, Қамаши, Чироқчи, кулолчилик билан азалдан шуғулланиб келаётган Касби, ҳунармандчилик кенг йўлга қўйилган Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор бозорларида ҳам амалга оширилса, нур устига аъло нур бўларди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## Биз ҳам бир ёндан

# АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

(Боши 1-бетда)

Бу йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши тиббиёт тараққиётида янги ва муҳим босқич бўлишидан далолат бермоқда. Ҳозирдаёқ, туманимизда давлат дастурига мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унда янги қурилишлар, кенг кўламдаги таъмирлаш ишлари назарда тутилган.

Бундан ташқари, даволаш профилактика муассасаларини энг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш мўлжалланган. Туғруқхона мажмуи, гинекология, жарроҳлик, реанимация бўлимларида шароитни тубдан яхшилаш асосий эътиборда бўлади. Зарурий қаттиқ ва юмшоқ жиҳозларга, жумладан махсус стул, функционал каровот, ташҳис ускуналарига бўлган эҳтиёж ўрганиб чиқилди.

Мазкур йилнинг мақоми белгиланганидан буён ўтган вақт ичида туманимиздаги кўплаб корхоналар, тадбиркорлар ўз ёрдамларини таклиф этишмоқда. Чунки одамлар тиббиёт равнақига кўмаклашиш ўз саломатликларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини англаб етишган. Тумандаги «Стеклопластик» корхонаси, «Парвина» фирмаси, «Мароқанд-парранда» қўшма корхонаси, ўнлаб фермер хўжаликлари давлат дастурининг ижросига катта ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз. Шуни айтиш керакки, биринчи галда кўп тармоқли шифохона биноси таъмирланиб, бу ерда «Оналар ва болалар» махсус стоматология поликлиникаси ташкил этилади. Режалаштирилаётган бундай ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бюджет маблағларидан ташқари ҳомийларнинг, нодавлат ва хайрия ташкилотларининг маблағларини жалб этиш туфайли тиббиётнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш табиийки, тиббий хизмат сифати яхшиланишига олиб келади. Айниқса, ҚВПларда туб ўзгаришларга эришиш мақсад қилиб қўйилган. Бинобарин, шифокорларнинг, биринчи галда умумий амалиёт врачлари ва ҳамшираларнинг малакасини ошириш талаб этилади. Дастурга кўра туман тиббиёт ходимларининг 35-40 фоизи махсус малака ошириш ўқувларини ўтайдилар. Айни мана шу тадбир тиббий хизматни ривожлантириш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Манфаатдорлиги юқори, меҳнатига яраша рағбат топадиган ходим янада яхшироқ ишлаши сир эмас. Туманимизда 2,5 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари бор. Уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу боис туман касаба уюшма кенгаши билан ҳамкорликда ходимларни рағбатлантириш, имтиёзларни қўллаш тизимини қайтадан кўриб чиқдик. Жамоа шартномасида мавжуд бўлган имтиёзлар кўламини кенгайтиришга, қўшимча имтиёзлар киритишга оид таклифлар инобатга олинди. Бундан ташқари, ҳар бир даволаш-профилактика муассасаси ходимларининг иш фаолияти натижалари ҳар чоракда таҳлил қилиб борилади. Энг яхши натижа кўрсатганлар албатта рағбатлантирилади. Бу ходимларнинг ишга муносабатини яхшилаш билан бирга аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширади. Шу билан бирга иш шароитини яхшилаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш диққат марказида бўлади. Хуллас, давлат дастурининг бажарилиши тиббиёт соҳасида мавжуд бўлган асосий муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади, деган умиддамиз.

**Ф.ВАЛИЕВ,**
**Самарқанд туман марказий шифохонаси бош ҳакими**



***Янги 2006 йилнинг биринчи ойи январ совуқ кунларни ҳадя этмоқда. Далалар оппоқ қорга, "қиш кўрпасига" бурканмоқда. Бундай пайтда ҳаво янада мусаффо, тоза бўлади. Тўйиб-тўйиб соф ҳаводан нафас олиш кишига ором бағишлайди.***

# ЖИДДИЙ СИНОВ

Қаҳратон қишда, айниқса, чорвадорларнинг ташвишлари, юмушлари кўпаяди. Ахир қорамолларни ва қўй-эчкиларни қишдан беталофат олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди-да. Чорвадорлар қишлов жиддий синов эканлигини яхши англайдилар. Ўз фаолиятларини янада жонлантириб, фаолият юритаётган чорвачилик хўжаликлари республикамизда оз эмас. Шулардан бири Қораўзак туманидаги "Ғайратли" масъулияти чекланган чорвачилик жамоасидир. Айтиш лозимки, ушбу жамоа аъзолари номига яраша ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни ғайрат-шижоат билан бажармоқдалар. Бу ерда 272 бош қорамол зооветеринария қоидаларига риоя қилиниб боқилмоқда. Молларни профилактика эмлаш ишлари ўз вақтида ўтказилди. Қишловни беталофат ўтказишнинг бош омили, албатта, мўл озуқа базасини яратиш ҳисобланади. Чорвадорлар қиш ғамини ёзда, кузда еб, етарли ем-хашак тайёрлашди. Шуларнинг ичида 150 тоннадан зиёд беда жамғарилганлиги айни муддао бўлди. Махсус агрегатларда беда майдаланиб, емларга аралаштириб берилиши озуқани тўйимлилигини, сифатли бўлишини таъминлайди.

Ҳа, тежамкорлик барча соҳаларда ҳам фақат фойда келтиради. "Сигирнинг сути оғзида" деган гап чорвадорлар орасида бежиз айтилмайди. Яъни моллар тўйиб озиқлансагина сут ҳам шунга яраша бўлиши турган гап.

"Ғайратли" хўжалигида 140 бош соғин сигир бўлиб, уларнинг 30 таси соғилмоқда. Мазкур хўжалик чорвадорлари қиш синовларига бардош бериб молларни беталофат олиб чиқишга ҳаракат қилишмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

# ҚИШ-БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Айни кунларда Фарғона туман машина-трактор парки давлат акциядорлик жамияти жамоасининг қўли-қўлига тегмайди. Негаки, баҳорги экиш мавсуми айнан уларнинг қай даражада техникаларни таъмирлаганига боғлиқ бўлади. Шу боис парк усталари деҳқонлар ишончини оқлаш мақсадида астойдил созлаш ишларини олиб боришмоқда.

Муҳими, бу ерда чилангар, пайвандчилару механизаторлар ўз ишларини пухта, сифатли бажаришга киришган. Ҳозир улар учун ҳар бир дақиқа ғанимат. Шу боис қиш чилласига қарамай, ўз вазифаларини аъло даражада адо этишмоқда.



**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар**

Мавжуд 193 та чопиқ трактори, культиватор, юзга яқин плёнка остига экиш сеялкаси, эллик етти сеялка ва йигирма тўққизта ер текислаш техникалари мавсумга тайёр қилинмоқда. Шунингдек, ўн учта «Кейс» ва ўн тўрт та «Россия» комбайни ҳам таъмирланаяпти.

Мавсумга ҳозирлик кўришда мазкур жамиятга қарашли «Водил» ҳамда Ҳ.Ҳакимзода ширкат хўжаликлари машина-трактор парклари усталари ҳам барчага намуна бўлмоқда.

**Суратларда: механизатор Абдулазиз Ибрагимов; чопиқ тракторлари мавсумга шай.**

## Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

# КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ

***Маълумки, халқ хўжалиги юкларини манзилга элтишда, иқтисодиётни ривожлантиришда юк ташувчи автомобилларнинг ўз ўрни бор. Уларсиз корхоналар фаолиятини юритиш, кенг кўламли қурилиш ишларини олиб боришни тасаввур этиб бўлмайди.***

Деновдаги 2516-автожамланма довруғи Сурхондарё вилоятининг энг олис бурчакларигача етиб борган. Ушбу корхона дарвозасидан ҳар куни ўнлаб машиналар чиқиб, белгиланган манзил томон йўл олади.

– Бизда 130 та турли русумдаги юк ташувчи техникалар мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди раҳбар Абдужаббор Ўринов. – Энг аввало жамоамизда тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳамма нарсага меники, менга тегишли деган уй-хаёл билан ёндошиш керак. Шундагина меҳнат роҳатга айланади. Барчага беш панжадек маълум, лекин ҳамма ҳам амал қилавермайдиган ушбу ҳақиқатни ходимларимиз қалбдан ҳис қилишаяпти. Шу боис қишнинг совуқ чилласида ҳам ишни пухта ташкил этиб, юкларни муддатида ташиб беришга эришаётирмиз. Натижада даромадларимиз йилдан-йилга ошмоқда. Ўтган йил якуни бўйича бу рақам 480 миллион сўмга етди. Ўртача ойлик маош 80-90 минг сўмга чиқди. Меҳнатда ўрнак кўрсатаётганлар муносиб рағбатлантириляпти. Зарарли жойда ишловчиларга қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Мазкур жамоа вилоятнинг 7 та туманидаги корхона ва хўжаликлар билан тузилган шартномалар асосида иш олиб боради. Шу боис корхонада йиллик режа ошиғи билан бажарилди.

Бу ерда ишловчиларга ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилган. Олинаётган соф фойданинг каттагина қисми меҳнат муҳофазаси, кўнгилли дам олиш, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга сарфланмоқда. Душ, сауна, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Кундалик матбуот нашрлари келтирилаётир. Радио-телевизор бор.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлиги ўз натижасини бермоқда. Ўтган йили ходимларга 3 миллион сўмликдан ошиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Кўзи ожизлар ва ногиронлар жамиятига 1,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами берилган. Тумандаги 24-ўрта мактабни доимий равишда таъмирлаш ишларига ҳам жамоа маблағ ажратмоқда. Бу ерда барча қулайликларга эга замонавий спорт мажмуаси ишлаб турибди. Унда ишчи-хизматчилар миллий кураш, каратэ, самбо, бокс турлари билан шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари, яқин атрофдаги маҳаллаларда яшовчи ўсмирлар бўш вақтларини шу ерда ўтказишади. Улар маҳоратларини ошириб, турли мусобақаларда қатнашмоқдалар.

Жамоанинг ибратли ишларидан яна бири қарилик гаштини сураётган меҳнат фахрийларини турли байрамларда доимо йўқлаб туришдир. Анна Макарова, Нормамат Ҳайдаров, Надежда Лесткова, Абдулҳаким Тиллахожаев ва Хуррам Шайматов сингари отахон ва онахонлар шулар жумласидандир.

**Ж.ТЎЛҚИНОВ**

# «ТІР-ТОР» ШАРБАТЛАРИ

*(Боши 1-бетда)*

Хусусан, боғдорчилик билан шуғулланаётган шахсларга ер майдонларининг узоқ муддатли ижарага берилиши, уларнинг беш йил муддатга ягона ер солиғидан озод этилиши таъминланади. Бу эса янги-янги боғлар ташкил этилиб, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етиштирилишига, қайта ишлаш корхоналари эса фермер хўжаликларидан бевосита ҳамда арзон нархларда мева-сабзавотни олиш имкониятини янада оширади. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти учун яратилаётган бундай улкан имкониятлар халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

«Тір-Тор»га нафақат Ўзбекистонда, балки Европа ва МДҲ мамлакатларида ҳам талаб катта. Айни пайтда йилига 20 минг тоннадан зиёдроқ мева- сазавотни қайта ишлаш имкониятига эга бўлган «Marvel juice CO» очиқ акционерлик жамияти жамоаси жорий йилда бу миқдорни янада ошириш ниятида меҳнат қилмоқда.

**(ЎзА)**

## Масала кўндаланг қўйилади

***«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Кармана туман филиали касаба уюшма қўмитасининг жамоа шартномасида шундай сатрларни ўқиш мумкин: «Жамоа шартномаси филиал ишчиларининг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишга кафолат берувчи ҳужжат ҳисобланади. Унинг вазифаси ҳар иккала томон мажбуриятларини бажаришда ходимлар фаолияти учун тўлиқ шароит яратиб бериш, ишчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг унумдорлигини оширишдан иборатдир... Шартлашаётган тарафлар бирлашманинг иқтисодий равнақ топиши ва жамоа аъзоларининг ўзаро боғлиқлигини тан оладилар.***

# МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Шунингдек, энг монанд муносабатларни қўллашда манфаатдордирлар, ишлаб чиқаришдаги муносабатлар негизида ўзаро ишонч ва бир-бирига ҳурмат ётади ҳамда кишилар филиалнинг қимматбаҳо бойлиги эканлиги тан олинади».

Хўш, амалда ҳам шундайми? Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ишловчилар манфаатини ифодалашда шартнома талабларини тўлиқ бажаряптими? Таассуфки, бу саволга бирдан «ҳа» деб жавоб бериш қийин. Ажабланарлиси шундаки, бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Азиз Ҳамроев шартнома муддати қачонгача амал қилинишини билмайди ҳам. 2005 йилнинг 3 январида қабул қилинган жамоа шартномасига Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан қилинадиган ишлар юзасидан тадбир белгиланмаган. У бизга ўтган давр ичида қилинган ишлар юзасидан на иш режасини, на йиғилиш баённомаларини кўрсата олди.

Шунингдек, касаба уюшма қўмитасида ишловчиларнинг ариза-шикоятлари, оғзаки мурожаатларини қайд этиш дафтари ҳам юритилмаган. Азиз Ҳамроев 2005 йилда касаба уюшма номига келиб тушган 3 та аризани кўрсатди. Улардан 2 таси — филиал кадрлар бўлими мутахассиси Маҳбуба Рўзиева ҳамда филиал хазиначиси З. Сафаровлар томонидан ўтган йилнинг 29 июлида оилавий шароитини ҳисобга олиб моддий ёрдам бериш сўралган аризалар бўлиб, ўша куннинг ўзидаёқ йиғилиш қарори чиқарилиб, қаноатлантирилибди. Уларнинг ҳар бирига 20 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилибди. Филиал ишчиси К. Қўлдошев томонидан ўтган йилнинг 3 октябрида уйланаётганлиги туфайли моддий ёрдам сўраб берилган ариза филиал мудири Ато Ризаев томонидан касабақўмга ўрганиб чиқиш учун берилган. Лекин аризанинг қаноатлантирилганлиги ёки қаноатлантирилмаганлигини тасдиқловчи бирон ҳужжат йўқ. Азиз Ҳамроевнинг айтишича, йигит ҳали уйланмаган эмиш.

Филиалда бугунги кунда 74 нафар ишловчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг иш ҳақларини тўлашда ҳам қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Айтишларича, шу кунгача уларнинг 5 миллион сўмдан ошиқ иш ҳақи тўланмаган. Бу ерда Республика назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Кенгаши тасдиқлаган режа асосида текшириш ўтказилган. Далолатномада ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан ушланган даромад солиғи ўз вақтида бюджетга кўчириб берилмаганлиги учун устама 2 миллион 211.6 минг сўм бюджетга ундирилганлиги баён қилинган. Шунингдек, иш ҳақи фондидан 35 фоиз ажратма бўйича 6 миллион 642.6 минг сўм, иш ҳақидан 2,5 фоиз ушланма бўйича 161.8 минг сўм камайтириб ҳисоблангани кўрсатилган. Туман филиали бўйича ҳаммаси бўлиб 20 миллион 762.4 минг сўм камайтиришга ҳисоблангани молиявий қонунбузилиш сифатида қайд этилган.

Навоий вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» ХАЖ раиси М. Ҳакимов томонидан текшириш якунлари юзасидан 2005 йилнинг 20 декабрида чиқарилган 67-буйруқда қайд этилишича, аниқланган хато ва камчиликлари учун бир қатор филиал раҳбарлари ва ҳисобчилари қатори мазкур филиал мудири А. Ризаев, бош ҳисобчи Л. Жўраеваларга энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида маъмурий жарима жазо чораси қўлланилганлиги маълум қилинган. Бизни албатта бугунги кунда айбдорларнинг жазолангани эмас, бу молиявий қонунбузилишлар ишловчиларнинг эртанги кунига салбий таъсир этиши кўпроқ ташвишлантирмоқда.

Шундай экан, касаба уюшма ташкилоти жамоа шартномасида қайд этилганидек, ишчилар манфаатини ҳимоя қила оладими? Афсуски, бу каби қатор саволлар жавобсиз қолмоқда.

**Я.САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛДИ

***Маълумки, кейинги йилларда юртимиздаги тиббий муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ва улардаги шарт-шароитларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши янги-янги тиббий муассасаларни қурилишига ва қайта таъмирланишига сабаб бўлмоқда.***

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги 150 га яқин тиббий муассасалар капитал таъмирланиб, замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Орол бўйи ҳудудидаги экологик вазиятнинг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда, бу йил мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Ўтган йил Оролбўйи ҳудудидаги мавжуд 136 қишлоқ врачлик пунктларининг 108 таси "Саломатлик-1" лойиҳаси доирасида 1 миллиард 653 миллион сўмлик 88 турдаги замонавий ташхис қўйиш ва даволаш ускуналари билан таъминланди. Шунингдек, учта касалхона, ўнта поликлиника ва саккизта тез ёрдам бўлимларида капитал таъмирлаш ишлари якунланиб, беморлар учун барча қулайликлар яратилди. Нукусдаги Республика болалар шифохонасида ҳам йирик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

## Бандлик дастури — амалда

# КОРХОНАЛАР

## қувватини ошириш ҳисобига

Қўрғонтепа туманида бугунги кунда истиқомат қилаётган аҳолининг 50.7 фоизи меҳнатга лаёқатли бўлиб, «Бандлик» даражаси 73.1 фоизни ташкил қилмоқда. Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, янги иш ўринлари яратиш борасида ўтган йили туманда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастур асосида белгиланган режадаги 3165 та ўрнига 4784 иш ўрни яратилди. Ўтган йилнинг май ойидан бошлаб ишга туширилган «Қорасув» шаҳридаги «Саноат-Омад-Чирой» масъулияти чекланган жамияти, «Саҳабо» саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаси ва бошқа корхоналар қуввати оширилиши ҳисобига 2869 нафар кишини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш имкони яратилди. Янги «Буюм бозор»ларини қуриш учун ҳамда кам таъминланган оилаларга имтиёзли кредитлар берилиши ҳисобига 2500 тадан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилди.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда етти хазинанинг бири бўлган паррандачилик муҳим ўрин тутади. Авазметов номли ҳиссадорлик жамиятига ҳукуматимиз томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қарз ажратилиши тармоқдаги хайрли қадамлардан бири бўлди.

Қўрғонтепа инфратузилмасини шакллантиришда ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жойларга 17 километрлик газ қувурлари тортилди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадбирларига 57 миллион сўм сарфланди. 3 та умумтаълим мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, жойлардаги ўнлаб спорт майдончалари тартибга келтирилди.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**



Қўрғонтепа туман халқ таълими бўлимида соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида талай ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда 47 та умумий ўрта таълим мактаби, 6 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 3 та спорт мактаби ва 2 та ўқувчилар ижодиёт маркази мавжуд бўлиб, уларда 28950 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Ёш авлодни камолга етказишда 2453 нафар муаллим жонбозлик кўрсатяпти. Таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни олиб кириш мақсадида фанлар бўйича семинарлар ташкил этилмоқда. Ўқув масканлари замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Барча таълим муассасаларида ёшларни касбга йўналтириш учун психолог мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

**Суратларда: 22-мактаб ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**





# ЎЗБЕК САНЪАТИ

## дунёга юз тутмоқда

Ўзбекистон миллий матбуот марказида санъат йўналишидаги халқаро фестиваль ва танловларда совринли ўринларни қўлга киритган ёш ижрочиларнинг "Тасанно" тақдимот маросимига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Кейинги йилларда иқтидорли ёшларни тарбиялаш, уларга ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги олий ва махсус таълим масканларида муайян ишлар амалга оширилди. Россия, АҚШ, Италия, Франция, Германия, Греция, Қозоғистон ва Озарбайжон каби давлатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро фестиваль ва танловлар ўзбекистонлик ёшларнинг иштироки бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозиргача мазкур фестивал ва танловларда 67 нафар талабалар ғолибликни қўлга киритган.

Жумладан, 2004 йил Москвада ўтказилган халқаро эстрада танловининг "Гран-при" бош совринига ҳамюртимиз Карина Тимофеева сазовор бўлган. Абдумалик Абдуқаюмов эса опера ижрочилари ўртасида Қозоғистондаги халқаро танловда биринчи ўринни, Озарбайжонда ўтказилган "Булбул" халқаро танловида бош совринни қўлга киритган. Шубҳасиз, халқаро фестивалларда муваффақият қозонаётган ёшларимиз ўзбек мусиқа санъатининг келажаги ҳисобланади.

30 январ куни Ўзбекистон опера ва балет академик театрида халқаро фестивал ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

*Республика касаба уюшма ташкилотларида*

# БОШЛАНҒИЧ НУФУЗИ

## ишдаги муваффақиятни белгилайди

Жамоа келишувлари ва шартномалари ёлланма ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашнинг бирдан-бир механизмидир. Айтиш жоизки, ушбу муҳим ҳужжатга жойларда муносабат тубдан ўзгармоқда. Меҳнаткашларга берилаётган ижтимоий-имтиёз ҳамда кафолатлар кўлами кенгаймоқда. Меҳнат Кодекси асосида муносабатларнинг самарали тартибга солинишига ва касаба уюшмаларининг нуфузини юксалтиришга эришилмоқда. Бу борада агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоят кенгашларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган туманлари, Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги «Беш қаҳрамон» жамоа хўжалиги, Термиз туманининг «Халқобод», Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманининг «Ужакент», Пскент туманининг «Бойқозон», «Гулбоғ» ширкат хўжаликларида юз бераётган ўзгаришларни тилга олиш мумкин.

Кучли касаба уюшма ташкилоти, бу бақувват, жанговар ҳар ишга қодир ташкилотдир. Лекин Устав талаблари ҳамда қабул қилинган қарорларни оғишмай бажармасдан туриб бунга эришиб бўлмайди. Ушбу вазифани ҳал этиш учун тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалий ўқув-семинарлар ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма Кенгашларининг раислари, бўлим мудирлари иштирокида Фарғона вилоятида ўтказилган ўқув семинари барчада чуқур таассурот қолдирди.

Ҳар йили Марказий қўмита ташаббуси билан вилоят ва туманларда ўтказилаётган машғулотда касаба уюшма фаолларининг 80 фоиздан зиёдроғи иштирок этишади. Чунки, қуйи ташкилот нуфузи ҳуқуқий савияси, билими билан белгиланади. Кўплаб муаммолар аксарият ҳолларда ана шу қуйи бўғинда ўз ечимини топади.

# ТИББИЙ БЎЛИМГА

## зарур жиҳозлар

«Тошкент Халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси раҳбарияти ҳамда касаба уюшма ташкилоти Ҳомийлар ва шифокорлар йилида меҳнаткашлар соғлиғини тиклаш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу ерда тиббий санитария бўлими, амбулатория фаолият кўрсатмоқда. Функционал диагностика бўлими, клиник ва биокимё лабораториялар, рентген бўлими ҳам ишчи-хизматчиларга савияли хизмат кўрсатмоқда. Терапия, невропотология, гинекология, дерматология ва бошқа хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Саломатлик посбонларининг кўпчилиги республика врачлар малакасини ошириш институти, Москва шаҳрининг марказий клиник касалхонаси қошидаги Коинот ва Авиацион тиббиёт бўлимида ҳамда хорижий давлатларда малака ошириб қайтишгани ўз самарасини беряпти. Яқинда тиббиёт маскани Шиллер фирмасининг ЭКГ—диагностик кардиовит системаси, олти каналли ЭКГ аппарати ва шу каби бир қатор жиҳозлар билан янада бойитилади.

# ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий кенгаши меҳнаткашлар ва ёшларнинг маънавий дунёқарашини ошириш, уларни Ватанга, она юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида барча имкониятларни ишга солишяпти.

Айни кунда тармоқ касаба уюшмалари тасарруфида 6 та кутубхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 109 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга. Кейинги йилларда китоб жамғармасини бойитиш учун 3 миллион 400 минг сўм сарф қилинди.

Марказий қўмита томонидан «Энг яхши кутубхона», «Китобсевар оила» каби кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказилиб, ғолиблар тақдирланиб келиняпти. Тошкент темирйўлчилар маданият саройи қошида фаолият кўрсатаётган марказий кутубхонанинг кейинги йилларда олиб бораётган ижобий ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раёсатида кўриб чиқилди. Меҳнаткашлар ва ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш ва ўстириш борасидаги олиб бораётган тадбирлари ижобий баҳоланди. Уларнинг иш тажрибаларини республика касаба уюшмалари тизимидаги кутубхоналарда оммалаштириш учун тавсия этилди.

**Н.РАФИҚОВ**

## Биздан сўраган эдингиз

***Савол: эр-хотин ўртасида никоҳ бекор қилинаётганда ёки бошқа ҳолатларда якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар қандай тарзда ҳал этилади?***

**Х.АБДУВАЛИЕВА, Янгибозор тумани**

# МУЛК БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАР қандай ҳал этилади?

## Саволингизга Шовот туманлараро фуқаролик суди раиси Зарифбой Қурбонов жавоб беради

**Жавоб:** никоҳ вақтида, яъни биргаликдаги турмуш даврида эр-хотин томонидан қурилган ёки қонунда белгиланган асослар билан қўлга киритилган уй, бу уйни қуриш учун ер участкаси улардан қайси бирига ажратиб берилганлигидан, уйни мулк қилиб олиш тўғрисидаги шартномада улардан қайси бирининг номи кўрсатилганлигидан ва уй кимнинг номига рўйхатдан ўтказилганлигидан қатъи назар уларнинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

Эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулки бўлган уйни бўлиш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, уйнинг улардан ҳар бирига тегишли улуши миқдори Оила кодексининг 28-моддасига мувофиқ белгиланади. Агар хотин (эр) уйдан ўз улуши учун пул компенсацияси олишга рози бўлса, эрга (хотинга) берилиши ёки уларнинг умумий улушли мулки қилиб қолдирилиши мумкин. Уй умумий улушли мулк қилиб қолдирилган тақдирда, суд ўзининг ҳал қилув қарорида уйнинг эр-хотиндан ҳар бирига тегишли улуши миқдорини кўрсатиши шарт.

Суд олди-сотди шартномаси асосида биргаликда олинган уйга нисбатан оила аъзоларининг умумий мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги даъвони, муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда агар бу шахслар (оила аъзолари) билан шартномада сотиб олувчи сифатида кўрсатилган оила аъзоси ўртасида уйни биргаликда сотиб олиш тўғрисида келишувга эришилганлиги ва ана шу мақсадда оила аъзоларини уйни олишга ўз маблағларини қўшганликларини аниқласа қаноатлантирилиши мумкин.

Шунингдек, умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга тегишли бўлган уйдан улуш ажратиб бериш (уйни бўлиш) ҳақидаги низоларни кўришда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Фуқаролик кодексининг 223-моддасига кўра, улушли мулк иштирокчиси ўз улушини умумий мол-мулкдан асл ҳолида ажратиб берилишини талаб қилишга ҳақли. Умумий улушли мулк иштирокчисининг талаби бўйича унга умумий мулк бўлган уйдан тегишли улушни ажратиб бериш (уйни бўлиш) уйнинг ва ёрдамчи иморатларни иштирокчининг улушига мутаносиб ҳамда кириш-чиқиш алоҳида бўлган қисмини унга мулк қилиб берилишини, шунингдек, у умумий мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқини йўқотганлигини англатишини инобатга олиб, суд бундай талабни, агар ажратиб берилаётган улуш уйнинг кириш-чиқиши алоҳида бўлган қисмини ташкил этса ёки уйнинг бу қисмини тегишинча қайта жиҳозлаш йўли билан алоҳида қилиб ажратиб қўйиш мумкин бўлсагина, қаноатлантиришга ҳақли.

Уйнинг бир қисмини қайта жиҳозлаш йўли билан боғлиқ ҳолда ажратиб беришга, бундай жиҳозлаш архитектура ҳамда қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига монанд бўлсагина йўл қўйилади.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун қилинган харажатлар Фуқаролик кодексининг 221-моддасига кўра умумий улушли мулкнинг ҳар бир иштирокчиси мол-мулкни сақлаш чиқимларида улушига қараб қатнашиши шарт эканлиги сабабли суд томонидан тарафлар ўртасида уларнинг улушини инобатга олган ҳолда тақсимланиши керак. Шу билан биргаликда мулкдорларнинг моддий аҳволи ва эътиборга лойиқ бошқа ҳолатларини инобатга олган ҳолда суд ушбу қоидадан чекиниши мумкин.

Агар улушни ажратиб бериш техник жиҳатдан мумкин бўлса-ю, ҳар бир мулкдорга тўғри келадиган улуш миқдоридан чекинишга тўғри келса, суд ажратиб берилаётган улуш миқдорини муайян ҳолатларни инобатга олган ҳолда кўпайтириши ёки камайтириши мумкин. Бунга ажралиб чиқаётган мулкдорнинг улушига қўшилган уй қисми учун ёки ажралиб чиқаётган мулкдор улушининг бошқа мулкдорларда қолдирилаётган қисми учун пул компенсацияси тўлаш шарти билан йўл қўйилади.

Уйни бўлиш ҳақидаги низо бўйича суднинг ҳал қилув қарорида уйнинг қайси қисми алоҳида қилиб ажратиб берилаётганини ҳамда бу қисм уйнинг қандай улушини ташкил этиши аниқ кўрсатиб ўтилмоғи керак. Ажралиб чиқаётган мулкдорга қайси ёрдамчи иморатлар берилиши ҳам қарорда ўз аксини топмоғи лозим.

Бундан ташқари. умумий улушли мулк иштирокчисининг уйга бўлган улушини асл ҳолида ажратиб беришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уйнинг унга тегишли қисми ўрнига, Фуқаролик кодекси 223-моддасининг олтинчи қисмига кўра бошқа мулкдорлар томонидан пул суммасини тўлаш ёки бошқача компенсация тўланишига унинг розилиги билан йўл қўйилади.

Айрим ҳолларда суд уйга бўлган умумий улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари зиммасига ажралиб чиқаётган мулкдорнинг розилиги бўлмаган тақдирда ҳам унга тегишли улуш учун юқорида кўрсатилган моддий ҳуқуқ нормасига мувофиқ пул суммаси ёки бошқача компенсация тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин бўлиб, суд бу ҳолатни ўзининг қарорида асослантирмоғи лозим.

Ажралиб чиқаётган мулкдорга бериладиган пул компенсацияси уйнинг бўлинаётган пайтдаги ҳақиқий баҳосидан келиб чиқиб белгиланади. Агар тарафлар уйнинг баҳоси тўғрисида келишувга эриша олмасалар, у ҳолда уйнинг ҳақиқий баҳоси қурилиш-техника экспертизаси ўтказиш йўли билан белгиланади ва бунда қурилиш материалларига бўлган чакана (маҳаллий) баҳо, ташиш тарифлари, ўша жойдаги ишчи кучига тўланадиган ҳақ, уйнинг эскирганлик даражаси, шунингдек, бошқа муайян ҳолатлар (уйни жойлашган ўрни, ободонлаштирилганлик даражаси ва бошқалар) ҳисобга олинади.

Суд уйни бўлиш тўғрисида келишув битимини тасдиқлашда, келишув битимининг қонунга зид ёки зид эмаслигини, бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилмаётганлигини, келишув битими шартларига мувофиқ уйни бўлишнинг техник имкониятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текшириб кўриши шарт.

# ЁЛҒИЗ ҚАРИЯЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАС

Бўка туман ижтимоий таъминот бўлимида ҳозирда 7650 нафар қариялар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 4518 нафари аёллардир. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларга доимо ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ёлғиз кексаларни, нафақахўр ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш йўлидан бориб, 29 нафар иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ёлғиз кексалар ва меҳнат фахрийлари Товоқсой, Олтиариқ, Косонсой сиҳатгоҳларида дам олдирилди. 23 нафар фуқарога ногиронлик аравачалари ва тиббий ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Ижтимоий таъминот бўлимида рўйхатда турувчи 27 нафар ёлғиз қарияларга 5 нафар ижтимоий ёрдам ходималари бириктирилиб, улар аҳволидан мунтазам хабар олиб турилмоқда. Ёлғиз қарияларга моддий кўмак бериш мақсадида 1125000 сўмлик маблағ ҳисобида озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Бундан ташқари уларга қўшимча 150000 сўм ажратиб берилди.

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Пскент туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси Мўътабар Мусаева рўзғори учун ойлик маошидан тежаб-тергаб йиққан пулига дазмол сотиб олди. Не ажабки, уйига бориб текшириб кўрса, дазмол нобоп чиқиб турибди. Вақтни бой бермай дарҳол сотиб олган жойига учрашди.

Аммо сотувчи Баҳодир Қориев дазмолни қайтариб олиш ёки алмаштириб беришга рози бўлмади. Нархи 8 минг 500 сўмлик дазмолни кўтариб, туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятига йўл олди. Тўғри-да, пешона тери эвазига топилган пулга куйиб қолаверадими?

Жамият ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан фуқаро Мўътабар Мусаеванинг истеъмолчилик ҳуқуқи тикланди.

Пскент туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти фуқароларнинг бу каби мурожаатларини доимо вақтида қаноатлантириб келишмоқда. Шунингдек, жамият мутахассислари томонидан халқ таълими бўлими, туман марказий шифохонаси, деҳқон бозори, "Кенаф" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналарида истеъмолчи ҳуқуқларига бағишланган давра суҳбатлари мунтазам ўтказиляпти. Маҳаллаларда яшовчи фуқаролар билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

*Футбол*

# МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ДУМАЛОҚ



Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари чемпионлари анъанавий турнири шундай якунланишини ҳеч ким ўйламаган бўлса керак. Кутилмаганда финалда Озарбайжоннинг "Нефтчи" ва Литванинг "Каунас" клублари рўбарў келдилар. Голларга бой учрашув бокулик футболчиларнинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб - 4:2.

Лекин 14-турнир мухлисларда, хусусан, мутахассисларда унчалик илиқ таассурот қолдирмади. Биринчидан, ярақлаб чиққан биронта "юлдуз" кашф этилмади, қолаверса, ярим финалда Арманистоннинг "Пюник" жамоаси раҳбариятининг "Нефтчи" билан учрашувдан бош тортиши ҳам мусобақага соя солди.

*Теннис*

# ЧАП ҚЎЛДА ИШЛАБ, ЎНГ ҚЎЛДА ЁЗАДИ



Ҳаётда бундай одамлар кўп. Қарангки, машҳур теннисчи Мария Шарапова ҳам шундайлардан чиқиб қолди. Шу пайтгача кўпчилик Марияни ўнг қўлда ўйнайдиган энг кучли теннисчилардан бири, деб биларди. Аммо Австралия очиқ чемпионати Шарапова билан боғлиқ яна бир сирни ошкор қилди. Хорватия вакили Елена Костанич билан баҳс пайтида россиялик теннисчи худди шундай бўлиши керакдек барчани ажаблантирган куйи ракеткани дам чап, дам ўнг қўлга олиб, кучли зарбалари билан ғолибона юришини давом эттирди.

- Мен табиатан чап қўлман. Лекин вақт-бевақт мувозанатни сақлашга ҳаракат қиламан. Кўпгина юмушларни чап қўлда амалга ошираман. Аммо чап қўлда ёзаман. 10-11 ёшларимда теннисни ҳар икки қўлим билан ўйнардим. Кейинчалик фақат ўнг қўлда ўйнашга одатландим, - деди М.Шарапова оммавий ахборот воситалари вакилларига.

*Шахмат*

# АНАНД ТОПАЛОВНИ ҚУВИБ ЕТДИ



Якшанба куни Голландиянинг Вейк-ан Зее шаҳрида ўтказилаётган анъанавий турнирнинг саккизинчи тури ўйналди. Бу йилги мусобақанинг ўзига хослиги шундаки, унда россиялик шахмат усталари иштирок этишмаяпти.

Турнирда пешқадамликни қўлга олган Жаҳон чемпиони болгар Веселин Топалов оқ доналарда ўйнаганига қарамай Исроил вакили Борис Гельфанд билан узоқ юришлардан сўнг дурангга имзо чекишга мажбур бўлди. Бундан фойдаланган ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Ананд Франция шахматчиси Этьен Бакрони мағлуб этиб, очколари сонини 5,5 тага етказиб олди. Шундай қилиб, турнирда бир йўла икки гроссмейстер карвонбоши бўлиб турибди.

Учинчи ўринда 5 очко жамғарган украиналик Сергей Карякин бормоқда.




*Велоспорт*

# КИМ ТЕЗКОР БЎЛСА, ЎША БИРИНЧИ

Лос-Анжелесда ўтказилаётган Жаҳон кубоги ўйинларининг учинчи босқичи иккинчи кунида омад россияликларга кулиб боқди. Улар икки олтин ва бронза медалига сазовор бўлдилар. Сергей Климов, Иван Ровный, Александр Серов ва Николай Трусовлардан иборат жамоа дастлабки олтин медални қўлга киритди. 2004 йилги олимпиада чемпиони Михаил Игнатьевнинг саъй-ҳаракатлари ҳам олтинга баҳоланди.

Жаҳон кубогида, шунингдек, Голландия, Испания, Греция вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда.

*Бокс*

# АТЛАНТИК-СИТИ ЧОРЛАЙДИ

Ҳадемай мухлислар яна бир қизиқарли баҳс гувоҳига айланадилар. 27 январда Атлантик-Ситининг "Tropicana Hotel" спорт саройида WBA йўналиши бўйича биринчи оғир вазн (90,7 кг.гача) тоифасида чемпионлик жанги ўтказилади. Унда шу пайтгача профессионал рингда мағлубият нималигини билмай келаётган Валерий Брудов ва Вирджилл Хилд рўбарў келадилар. Америкалик боксчи ҳам машҳур, ҳам таниқли эсада, В.Брудов тарафида ёшлик шижоати бор. Агар у ушбу беллашувни ўз фойдасига ҳал қила олса, бу Роман Кармазин ва Николай Валуевдан сўнг нуфузли камар соҳибига айланган учинчи россиялик боксчи бўлади.

**М.ИБРОҲИМОВ тайёрлади**

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда қабул қилинган 2006 йил 18 январдаги 15-сонли буйруққа мувофиқ, 2006 йил 10 февралдан почта алоқасининг универсал хизматларига янги тарифлар амалга киритилади**

*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 20 граммгача бўлган почта жўнатмаларини етказиб бериш учун тарифлар қуйидаги миқдорларда белгиланди:*

***оддий ёзма хат-хабарлар – 45 сўм***
***буюртмали ёзма хат-хабарлар – 90 сўм***
***оддий бандероллар – 45 сўм***

*Почтаси алоқаси хизматлари ва тарифларининг тўлиқ рўйхати барча почта алоқаси корхоналари ва бўлимларида мавжуд.*

**ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ**

**По согласованию с Министерством Финансов Республики Узбекистан приказом Узбекского агенства связи и информатизации от 18 января 2006 года №15 с 10 февраля 2006 года вводятся новые тарифы на универсальные услуги почтовой связи**

*На пересылку в пределах Республики Узбекистан почтовых отправлений до 20 граммов установлены тарифы в следующих размерах:*

***простая письменная корреспонденция - 45 сум***
***заказная письменная корреспонденция - 90 сум***
***простая бандероль - 45 сум***

*Полный перечень тарифов и услуг почтовой связи имеется во всех предприятиях и отделениях почтовой связи.*

**ПОЛЬЗУЙТЕСЬ УСЛУГАМИ ПОЧТОВОЙ СВЯЗИ!**

**ОАО «Ўзбекистон почтаси»**

*Оролбўйидан мактублар*

# ТАШХИС ТЎҒРИ ҚЎЙИЛСА

## даволаш ҳам осон кечади

***Шифокор ўз бурчини бажариб, болани даволар экан, беғараз ва самимий хизмати, фидойилиги билан нафақат ўша мурғак гўдакка, балки онанинг безовта қалбига ҳам шифо беради. Ва шу тариқа дунёда ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган олижаноблик ва инсонийлик фазилатларини намоён этади.***

Шаҳар ва овулларида 420 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар яшайдиган Оролбўйида оналик ва болалик, репродуктив саломатликни муҳофазалаш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Оналар ва болалар скрининг тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, 1 ёшгача бўлган болаларнинг потронаж ва эмлаш ишлари миқёси кенгайиши, малакали даволаш-профилактика тадбирлари туфайли оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ ҳолатлар кескин камайди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштириш, аҳолини, айниқса, болалар ва аёллар соғлиги даражасини, санитария-эпидемиологик вазиятни мўътадиллаштириш, кундалик ҳаётбахш оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда муҳим рол ўйнади.

Тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Адилбек Ялғондиев директорлик қилаётган республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Нукус филиали Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Она ва болага дўстона муносабат» халқаро сертификатини олишга сазовор бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, олий тоифали шифокор Аниса Саидова бошчилик қилаётган туғруқ мажмуаси «Бехатар оналик» сертификатини қўлга киритди.

Япония ҳукуматининг гранти бўйича 1 миллион 600 минг АҚШ долларилик энг ноёб ускуналар олиб келинганлиги аёллар соғлигини муҳофазалаш, туғилажак гўдакларнинг ривожланиши, уларда учрайдиган касалликларни она жисмидаёқ аниқлаш ва нуқсонларини бартараф этиш имконини бермоқда.

1997 йилда ташкил этилган «Она ва бола скрининги» маркази Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ёрдамида туғма гипотиреоз, фенил кетонурия каби туғма касалликларни аниқлаш, даволаш, ногиронлик сонини камайтиришда самарали иш олиб бораяпти.

— Асосий мақсадимиз минтақанинг экологик ҳолати ва аҳоли турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда миллатимиз таянчи, юртимиз келажаги, фаровонлигимиз бешиги бўлган оналар ва бола соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган, — дейди марказ директори Амина Қаландарова. — Оролбўйида инсон организми учун энг зарур, йод танқислиги натижасида учрайдиган қалқонсимон без етишмовчилиги (гипотиреоз) синдроми ва ундан келиб чиқадиган чақалоқлар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда содир бўладиган ўзгаришларнинг олдини олишдан иборат.

Кўркам ва муҳташам бинода жойлашган ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган марказнинг «Дельфия» ташхис лабораторияси орқали туғма гипотиреоз касалликлари аниқланади. Шифокорлар оналарга тиббий, генетик маслаҳатлар бериш билан бирга, преинтал ташхис, наслий касалликларни бартараф этиш бўйича ҳам тадқиқот, ҳам даволаш ишларини олиб боришаяпти. Ҳар бир бемор ёки чақалоқ, ҳомиладор аёллар эндокринолог, генетик, невропатолог ва гинеколог кўригидан ўтказилади.

Тиббиёт муассасасига «Саломатлик» лойиҳасига асосан 7 миллион 496 минг АҚШ доллари миқдорида халқаро грантлар ажратилди. 2 миллион 636 минг сўмлик юмшоқ жиҳозлар, 15 миллион 660 минг сўмлик дори-дармонлар олинди.

«Дельфия» ташхис лабораторияси орқали туғма гипотиреоз касаллиги аниқланган Жарқиной Жаукашдиева, Гулчеҳра Аллиёрова, фенилкитонурия дарди билан оғриган Ойдин Камолова, Гулжанат Тлеубоева каби болалар озуқа воситалари, витаминли гидролизаторларни истеъмол қилиб соғлиқларини тикладилар. Гўдакларнинг тишлари текис ўсиб, руҳий, асаб ривожланиши яхшиланади.

Жисмонан бақувват, маънан баркамол, руҳан тетик онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Туғиш ёшидаги аёлларнинг кўпчилиги кам қонлик ва экстрагенитал касалликларга чалиниши, йод, темир моддаси етишмовчилиги ҳомиладорлик жараёнида она ва бола соғлигини тиклашга қаратилган шошилинч чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Қўнғирот шаҳрида яшовчи М. Венера боларининг чала туғилаётганлиги ҳақида марказга мурожаат қилди. Аниқ текширувлар ўтказилиб, даволаш-профилактика ишлари амалга оширилди. Натижада аёлнинг соғлиги яхшиланиб, дуркун қиз фарзанд кўрди.

Элликқалъа тумани Бўстон шаҳрида истиқомат қилувчи Гулмира Норбоева эндигина 23 ёшга кирди. Ўғлининг ногирон экани ва уни даволашда кўмаклашишни сўраб, марказдан нажот топди. Керакли текширувлардан сўнг ўтказилган муолажалар самара берди. Гулмира соғлом ўғил кўрди. Боласи ҳозир чопқиллаб юрибди.

Шифокорлар Хоразм вилоятининг Урганч, Қорақалпоғистоннинг Амударё, Хўжайли тумани овуллари, Тахиатош шаҳридаги «Болалар уйи», Нукус шаҳридаги 40-махсус болалар боғчасида тарбияланаётган ўғил-қизларни тиббий кўрикдан ўтказиб, бепул витамин ва дори-дармонлар билан таъминладилар. Республика маркази ва олис овулларда уюштирилган «Йод моддаси етишмовчилигининг олдини олиш», «Янги туғилган чақалоқлар гигиенаси», «Репродуктив саломатлик», «Болани она сути билан эмизишнинг аҳамияти» мавзуларида уюштирилган суҳбатлар келажак авлод генофондини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Европа комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикасида минтақавий соғлиқни сақлаш хизматини такомиллаштириш» деб номланган, ялпи маблағи 2 миллион евро бўлган лойиҳа Қорақалпоғистоннинг Амударё, Беруний, Чимбой, Қўнғирот ва Мўйноқ туманларида амалга оширилаяпти. «Сиҳат-саломатлик» давлат дастури йўналишлари доирасида Тошкентдан юборилган «Саломатлик поезди» орқали Оролбўйининг Қўнғирот, Шуманай, Қораўзак туманлари энг чекка овулларида яшовчи 2 мингга яқин она ва болалар ижтимоий, тиббий патронаж хизматидан баҳраманд бўлдилар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Бехатар оналик» дастури амалиётга татбиқ этилаётганлиги оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, кам дори-дармон ишлатиб, ширин сўз, меҳр-муҳаббат, билимдонлик, табиий йўл билан икки инсонга бахтли оналик ва болалик саодатини бахш этишга хизмат қилаяпти.

Нукусда жойлашган минтақавий «Она ва бола скрининги» маркази оналик ва болаликни муҳофазалаш, баркамол авлодни камол топтиришга муносиб улуш қўшмоқда.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

*Болалар спорти*

***Жиззах туманидаги умумтаълим мактабларида 19 та спорт зали, 37 та футбол майдони, 65 та волейбол, 57 та баскетбол, 64 та қўл тўпи майдонлари мавжуд. Шунингдек, ўтган йили смета қиймати 167 миллион сўмлик болалар спорт мажмуаси қурилиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Мактаблардаги тўгаракларда 12 минг нафардан ортиқ болалар спортнинг ўндан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга. Сўнгги икки йил мобайнида 4 та футбол майдони, 7 та волейбол, 3 та баскетбол, 9 та қўл тўпи майдончалари барпо этилди.***





# ЧЕМПИОНЛАР

## мактабларда вояга етади

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида айни пайтда 700 га яқин ўқувчи спортнинг футбол, кураш, эркин кураш, бокс, волейбол, стол тенниси, қўл тўпи каби турлари билан шуғулланишмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ердан ўнлаб чемпионлар етишиб чиққан. Бокс бўйича 9 нафар спорт устаси, кураш ва эркин кураш бўйича 6 нафар спорт усталигига номзодлар шулар жумласидандир. Ўткир Соипов, Жаҳонгир Сувонқуловлар мазкур мактабни битириб, катта спортга йўл олган боксчилардан.

Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, халқаро тоифадаги ҳакам, «Шуҳрат» медали соҳиби Шавкат Бадаловнинг шогирдлари кўплаб етишиб чиқмоқда. Шокир Умаров, Раҳмон Шокиров, Жасур Азимов, Йўлдош Бозоров каби мураббийларнинг шогирдлари ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда. З.Умрзоқов, Р.Атаев, О.Норқулов, В.Давронов, Ф.Абдуллаевлар кураш бўйича кўплаб мусобақа ва турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар мақтовга арзигуликдир. Ҳар ойнинг охирги шанба куни оммавий спорт куни деб эълон қилинган. Бу тадбирда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган кишилар фаол иштирок этишмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Республика миқёсида ихтисослаштирилган мактабларда 15 та фан бўйича тажриба-синов ўтказилмоқда. Таянч майдончаларида олиб борилаётган бундай таълимий жараёнларнинг дастлабки натижалари кўриб чиқилди.

### ТАЯНЧ МАЙДОНЧАЛАРИДА

Тажриба-синовдан ўтган янги таҳрирдаги давлат таълим андозалари ҳамда ўқув дастурлари 2005-2006 ўқув йилидан барча ихтисослаштирилган мактаб ва чуқурлаштирилган синфларда амалиётга татбиқ этишга тавсия қилинди.

Она тили ва адабиёти фанидан тузилган ўқув-режа ва дастурлари ҳам ўз ижобий томонларини кўрсатди.

Она тили фанига қўшимча «Нутқ маданияти», адабиёт фанига эса «Ифодали ўқиш» ўқув предмети киритилди.

Янги ўқув дастури ва режалар республика таълим маркази томонидан тажриба-синов жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилди.

### ТУРИСТИК ФЕСТИВАЛЛАР

«Ўзбектуризм» Миллий компанияси йўли билан амалга оширилаётган тадбирлар меҳмонларда қизиқиш уйғотмоқда. Бу борада янги йилда қандай янгиликлар юз беради?

Айни шу масала навбатдаги анжуманда атрофлича кўриб чиқилди. «Ўзбектуризм» Миллий компания ҳамда республика хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси аъзолари иштирокида ташкил этилган. Бу тадбирда янги кўргазма ва фестиваллар дастурлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Бу йил мамлакатимизда «Наманган олмаси», «Ўзбек палови» деб номланган фестивалларни ўтказиш режалаштирилди. Марғилон шаҳрида уюштириладиган халқ ижодиёти, «Тошкент нон шаҳри» каби фестивалларга ҳам катта тайёргарлик кўрилади.

Анжуманда 2006 йилда Тошкентда уюштириладиган навбатдаги халқаро туристик ярмаркага ҳозирлик кўриш тадбирлари ҳам белгиланди.

# «ИНТЕР» - ТУРНИР ҒОЛИБИ!

Чирчиқ шаҳрида мини-футбол бўйича якунланган турнирнинг дастлабки босқичида ўн жамоа икки гуруҳга бўлиниб, бир даврали тизимда ўзаро куч синашди. Гуруҳларда дастлабки икки поғонани эгаллаган пойтахтнинг «Интер», «Эстроуд», «Восток-холдинг» ва Ғазалкент шарафини ҳимоя қилган «Бўстонлиқ сут-2» жамоалари турнирнинг финал қисмига йўлланма олди.

Биринчи ўрин учун ўтказилган беллашувда «Бўстонлиқ сут- 2»ни 4:7 ҳисобида мағлубиятга учратган Тошкент шаҳрининг «Интер» жамоаси футболчилари бош соврин соҳиби бўлди. Учинчи ўрин учун бўлган учрашувда «Восток-холдинг» вакиллари «Эстроуд» жамоасини 6:4 ҳисобида доғда қолдирди.

Турнирда «Восток-холдинг» футболчиси Василий Рижов мусобақанинг «Энг яхши ўйинчиси», «Бўстонлиқ сут-1» жамоаси посбони Дилмурод Рўзматов «Энг яхши дарвозабон», рақиблар дарвозасини 24 маротаба ишғол қилган «Бўстонлиқ сут-2» ҳужумчиси Акбар Пўлатов «Энг яхши тўпурар» номинациялари бўйича махсус совринлар билан тақдирланди.

**(ЎзА)**

*Турфа олам*

### ФЕЪЛИ ЎЗИГА МАЪЛУМ

Чумолилар умуман ухлашмайди, типратиконлар сувда чўкишмайди. Сичқон гарчанд ҳаром йўл билан озиқ топса-да, ҳеч қачон қайт қилмайди. Илонлар умуман эшитмайди. Қисқичбақанинг қони мовий рангда бўлади. Капалаклар эса оёқлари билан таъм билади. Қуруқликдаги энг йирик ҳайвон бўлмиш фил сут эмизувчилар орасида сакролмайдиган ягона ҳайвонлиги билан ажралиб туради. Отлар бемалол тик ҳолатда бир ойгача тура олади. Айиқлар отлардан ҳам тез югуради. Акула эса рангни фарқламайди. Ҳинд филининг қулоғи ярим метр. Африка филиники эса нақ бир метр келади.

**Э.ОДИЛОВ**

### ҚИММАТЛИ ОЗУҚА

Дунёда арпанинг 30 га яқин тури бор. У кўпгина мамлакатларда ғалла ва ем ўсимлиги сифатида етиштирилади. Арпа донида кўп миқдорда крахмал ва оқсил, энг муҳим аминокислоталар, шу жумладан лизин ҳамда триптофин мавжуд.

Арпа донида 11-15 фоиз оқсил, 3,5 фоиз клетчатка, 2 фоиз пектин бор. Лизин моддаси мавжудлиги туфайли арпа оқсили буғдой оқсилидан қимматли ҳисобланади. Ҳатто арпа похоли тўйимлилиги жиҳатидан бошқа бошоқли ўсимликлар похолидан устун туради.

Арпадан ёрмалар (пўстсиз арпа) ва арпа ёрмаси (арпа донининг майдаланган), сунъий кофе тайёрланади.

Арпа чорвачиликда ва паррандачиликда қўлланиладиган қимматли озуқа ҳисобланади. Қуйидаги кўрсаткичлар унинг нақадар тўйимлилигидан далолат беради: 100 килограм дондан 121 ем бирлиги ва 79 килограм осон ҳазм бўладиган протеин олиш мумкин.

Арпа донидан олинадиган солод экстрати муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлиб, фармацевтика, тўқимачилик, полиграфия ва бошқа саноат тармоқларида қўлланади. Соф арпа унидан ёпилган нон унчалик мазали бўлмайди. Шунинг учун нон ёпишда арпа унига буғдой уни қўшилади.

Лекин дунёнинг бир қатор минтақаларида (хусусан Помир ва Тибетда) фақат арпа унидангина нон ёпилади.

*Сийрат*

# АЛИ АКАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

***...У Қамаши туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори. Ўзига яраша қувонч-ташвишлари бор. Ҳозирги кунда ўқув юртида 724 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 74 педагог таълим-тарбия бермоқда. Бу ерда давр талабига мос шарт-шароит яратиб берибгина юксак натижаларга эришиш мумкинлигини яхши билади у. Коллеж Япония гранти асосида жиҳозланган.***

### ВАТАН НАДИР

– Юрт ҳақида қайғура олган одам бахтли инсондир, – дейди Али Анваров. – Боқибеғам одамларга ачинаман, раҳмим келади уларга. Чунки Ватан меҳрини дилига жо қилмаган киши оила қадрини қайдан билсин! «Уйимнинг қадрдон эшиги – Ватан» дейди шоир. Буни англамоқ учун юрак даркор.

**Бизнинг изоҳ:** Қамашининг бир қарич ери йўққи, Али Анваровнинг қадами тегмаган бўлса. У юрт кезишни яхши кўради. «Ўзбекистоннинг янада юксалишига ҳисса қўшиш учун пойтахтда яшаш шарт эмас, шу ерда туриб ҳам катта ишлар қилса бўлади, дейди у. «Баландчайла», «Саритепа», «Қўтонбой», «Чим», «Қорабоғ»... бу қишлоқларда эҳ-ҳе қанча-қанча қадрдонлари бор.

– Бу қишлоқларнинг барчаси заррин ипга тизилган гавҳар доналарига ўхшайди, – дейди ёшлар устози. – Аслида ҳеч нарса юрт қадар севиклимас. Фақат уни кўзни юмиб эмас, очиқ кўз билан севмоқ жоиз.

### КЎНГИЛ МУЛКИ

Али Анваровнинг уйида ўз кутубхонаси бор. «Китобларингизнинг сони қанча», деб сўраган эдик, у ҳазиломуз «санамайман, санасам баракаси учади» дея кулиб қўйди. Аммо кейин билдик: шахсий кутубхона 1000 га яқин сара адабиётлардан иборат экан. Коллеж кутубхонасида эса китоблар сони 11590 та. Булар ижтимоий-сиёсий, бадиий, тарихий ҳамда касбга оид адабиётлар. Коллеж директори ишхонасида эса чоғроққина китоб жавони. Ўнлаб газета-журналлар таҳлами, «Ҳақиқат манзаралари», «Тўрт улус тарихи», «Чўққида қолган овчининг оҳузорлари» сингари бадиий-публицистик, тарихий адабиётлар...

«Буларнинг барчаси мен учун ҳаёт мактаби, тарбия мезони. Улардаги жавоҳир фикр-мулоҳазалар, ҳикматлар ҳовуч-ҳовуч дурга ўхшайди. Франциялик Вольтер деган файласуф, қаранг, нима деган экан: «Сизнинг фикрингизга қўшилмаслигим мумкин, аммо фикрингизни айтиш ҳуқуқи учун ҳаётимни бераман». Қани энди барча шундай фикрласа, ҳеч бўлмаса ибрат олса...

«Эсдалик китоблар» фонди коллеж кутубхонасини бойитишда асқотмоқда. Талабалар интеллектуал даражасини кўтариш мақсадида ташкил этилган «Фаол китобхонлар», «Заковат билимдонлари» клуби мунтазам фаолият юритаётир.

### МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

«Японияда бўлганимда «Алпомиш» эпоси хусусида эшитдим. Ўшандаги кайфиятимни бир кўрсангиз эди. Қанчалик ғурурланганимни айтиб беролмайман. Кунчиқар мамлакатида икки марта малака ошириб қайтдим. Англадимки, айниқса, бола жисмоний камолоти йўлида улар бекиёс жонбозлик кўрсатадилар. Худди бизга ўхшаб. Президентимизнинг спортга бўлган алоҳида эътибори боис «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказилаяпти. Ўқув юртларида, ўрта мактабларда жисмоний тарбияга бўлган эътибор кучайгандан кучайиб бормоқда. Туманимизда қатор стадион, спорт майдончалари ва заллари бунёд этилди. Бу эътиборга лойиқ.

**Бизнинг изоҳ:** Ўқув юртида ўндан ортиқ спорт секциялари мунтазам фаолият кўрсатмоқда ва ўз жадвалига эга. Тўгаракларни иқтидорли ўқитувчилар бошқаради. Замонавий спорт зали эса доимо ўқувчилар билан гавжум. Элёра Фармонова, Сетора Рустамова, Гулноза Чоршанбиева, Ирода Раҳимова, Обид Жўраев, Нуриддин Исматиллаев, Эркин Сариев, Нурбек Тўраев сингари спортчи йигит-қизлар коллеж фахри.

Али Анваров ҳозирги кунда бадантарбия қилишу теннис ўйнаш ҳамда баъзан тўп суришдан нарига ўтмаса ҳам ёшлигида кураш тушгани боис полвон сифатида танилган.

– Юртбошимиз лутф этганларидек, – дейди Али ака пировардида. – «Соғлом авлод – миллат келажаги». Эски йил ўрнини янги йил эгаллаганидек, кекса авлод ўрнини ёш авлод эгаллайди. Улар фарзандларимиз. Истагим, уларга ҳамиша омад ёр бўлсин.

**И.КАРОМОВ**

### ЮНОН АФСОНАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Фольклор асарлари орасида халқ афсона ва ривоятлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ижод намуналари ҳам киши эътиборини ўзига тортади. Кўҳна Юнонистон ва Рим афсоналари ҳам кенг тарқалган.

"Қадимги Юнон афсона ва ривоятлари" деб номланган тўплам яқинда китобхонларга тақдим этилди. Жаҳон халқлари сўз санъатида алоҳида ўрин тутган бундай халқ оғзаки ижоди ўқувчиларни мафтун этиб келмоқда.

Рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, "Зарафшон" нашриёти томонидан босиб чиқарилган мазкур тўпламда "Илиада", "Одиссея", "Теогения" каби асарлар ҳам таҳлил қилинган.

Ҳорижий адабиёт билан қизиқувчи китобхонлар учун мазкур нашр яхши совға бўлди.

**А.АКБАРОВ**



*Дўст ачитиб гапиради*

# ТОР ЖОЙДА ТОМОША

***Узун туманида 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 51 мингдан ортиғи 14 ёшгача бўлган болалар. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун бирбиридан муҳим ишлар кутиб турибди. Тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастурида бу борада ҳаётбахш масалалар ўртага қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Хўш, тумандаги мавжуд аҳвол қандай?***

Туман марказидаги Н.Рамазонов кўчасида жойлашган болалар поликлиникаси билан танишар эканмиз ҳайратдан ёқа ушладик. Қарангки, поликлиниканинг ўзига хос тарихи ҳам бор экан.

Бир вақтлар поликлиника 4 та бинодан иборат бўлган. Кейинчалик биноларнинг иккитаси хусусийлаштирилиб, бири оптика ва дорихонага, иккинчиси хусусий стоматология хонасига айлантирилган. Бу ҳам етмагандек учинчи қисми ички ишлар бўлимига бериб юборилган. Хуллас поликлиника борган сари торайиб, «тор жойда томоша» деганларидек шифокорлар бир хонага 4-5 кишилашиб жойлашган ҳолда беморларни қабул қила бошлашди. Улар шу алфозда 5 йилча ишлашди. Кейин 2004 йил ноябр ойида ички ишлар бўлимига тегишли авария ҳолатидаги бинога поликлиника ходимларининг ярми кўчирилди.

Бугунги қишли-қировли кунларда чиндан-да аҳвол чатоқ. Шифокорлар-у ҳамшираларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Очиғи, бино умуман иситилмас экан. Боз устига томдан чакка ўтиб турса,кимнинг ҳам ишга рағбати бўлади. Шифокорларни айтишича, бино авария ҳолатида бўлганлиги учун таъмирланмас ҳам экан. Бу борада туманда истиқомат қилаётган Наргиза Йўлдошева, Тожихол Ибодуллаева, Назокат Қурбонова каби ёш болали аёллар туман ҳокимлиги, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат билан чиққан эсалар-да, самара бермабди.

Ушбу ҳолдан туман мутасаддилари хабардор бўлсалар-да, болалар поликлиникасини янги бинога кўчириш ёки уларга шароит яратиб беришга ҳеч ким бош қўшмаётгани қизиқ.Кўрган манзарамиздан таъсирланиб туман марказий шифохона бош врачи Саъдулло Раҳмоновдан изоҳ сўрадик. Лекин тайинли гап эшитмадик.

– Бу йил Ҳомийлар ва шифокорлар йилида шароитни яхшилаймиз.

Биз-ку ишондик-а, аммо бошқалар, хусусан, поликлиника ходимлари ишонишармикан?...

**Т.ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### ТАЛАБАЛАР ИЖРОСИДА

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида фаолият кўрсатаётган «Қўғирчоқ театр» санъати бўлими талабалар ижрочилик маҳоратини ошириш йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш тутмоқда. Истеъдодли ёшлар томонидан саҳналаштирилаётган постановкалар ҳам томошабинларда завқ-шавқ уйғотмоқда.

Ўзбекистон қўғирчоқ театрларини VII анъанавий кўрик-фестивалида ҳам бўлажак «Кичик саҳна» усталари ўз маҳоратларини намоён этдилар. Улар тайёрлаган «Класс-концерт» ҳам ижобий баҳоланди.

Бу ижодий кўрикда «Қўғирчоқ театр» санъати кофедраси тақдим этган маҳорат дарси ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

**А.АЛИЕВ**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.